

Nurmatov Ravshan Begmamatovich, Toshev Otabek Sodikovich

Adliya vazirligi huzuridagi Huquqiy siyosat tadqiqot instituti mas'ul xodimlari

FIRIBGARLIKKA QARSHI KURASH – DOLZARB MUAMMO

Nurmatov Ravshan Begmamatovich, Toshev Otabek Sodikovich

Senior researchers of the Research Institute of Legal Policy under the Ministry of Justice

FIGHTING AGAINST FRAUD IS AN TOPICAL ISSUE

Нурматов Равшан Бегмаматович, Тошев Отабек Содикович


ответственные работники Исследовательского института правовой политики
при Министерстве юстиции

БОРЬБА С МОШЕННИЧЕСТВОМ – АКТУАЛЬНАЯ ПРОБЛЕМА

Фирибгарлик мулкка қарши қаратилган жиноятлар ичида энг кўп тарқалганларидан бири бўлиб, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулккий ҳуқуқини қўлга киритишдан иборатдир.

Статистик маълумотларга кўра, сўнги йилларда фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар купаймоқда.


Маълумот учун: 2004 йилда жами жиноятларнинг 1,6 фоизи фирибгарлик улушига тўғри келган бўлса, сўнги 5 йиллик статистик таҳлилларда жами жиноятларнинг 10-15 фоизи фирибгарликка тўғри келмоқда¹. 2019 йил январь-июль ойида республика бўйича 1954 та фирибгарлик жинояти рўйхатга олинган бўлса, 2020 йилнинг шу даврида бу рақам 3881 тани ташкил этган².



¹ "Юмшоқсупурги" жазолар билан фирибгарликни камайтириб бўлмайди мақола <https://kun.uz/news/2021/07/27/yumshoqsupurgi-jazolar-bilan-firibgarlikni-kamaytirib-bolmaydi>.

² <https://kun.uz/news/2020/09/28/ozbekistonda-bir-yilda-firibgarlik-jinoyatlari-ikki-barobarga-kopaydi-bunga-nima-sabab-bolmoqda>.

2020 йилда судлар томонидан 5466 нафар шахсга нисбатан фирибгарликка оид 4328 та жиноят иши кўриб чиқилган бўлса, 2021 йилнинг биринчи чорагида 3129 нафар шахсга нисбатан 2498 та жиноят иши кўриб чиқилган³.




Бундай ўсиш динамикаси фирибгарликка қарши курашишнинг замонавий усулларини жорий этишни тақозо қилади.

Мазкур жиноятга қарши кураш борасида айрим муаммоларнинг мавжудлиги бу соҳадаги амалий ишарга салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан:

– Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида судланувчи, маҳкумларнинг аҳволини енгилаштиришга қаратилган, инсонпарварлик принципини акс эттирувчи айрим институтларни (73-модда. *Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш*; 74-модда. *Жазони енгилоғи билан алмаштириш ва бошқалар*) фирибгарлик жиноятини содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши жиноятчига тайинланган жазодан кўзланган мақсадга эришишга тўсқинлик қилмоқда.

Бундай ҳолатлар онгли равишда фирибгарлик орқали моддий бойлик орттиришни мақсад қилиб олган шахсга қўл келмоқда. Фирибгарлик содир этган шахслар қонунда белгиланган рағбатлардан фойдаланиб, суд томонидан тайинланган жазони амалда ўтамай озодликка чиқишга имкон бермоқда.

Бу эса, шахснинг фирибгарлик билан боғлиқ жиноятни қайта содир қилиш ҳолатларини кўпайишга сабаб бўлмоқда.



³ <https://kun.uz/uz/news/2021/07/27/yumshoqsupurgi-jazolar-bilan-firibgarlikni-kamaytirib-bolmaydi>.

Мазкур диаграммада келтирилган маълумотлар таҳлил қилинганда, **2020 йилда** содир этилган фирибгарлик жиноятларининг энг юқори миқдори, яъни **1364 таси муқаддам судланганлар** томонидан содир этилганлигини кўриш мумкин⁴.

– Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми “в” бандида **“компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб”** фирибгарлик содир этганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ҳозирги ахборот технологиялари ривожланган даврда коммуникация тармоқларидан фойдаланиб жиноят содир этиш учун албатта компьютер воситаларидан фойдаланиш шарт эмас. Замонавий уяли телефонлар, планшетлар (**гаджетлар**) ёки бошқа воситалар билан ҳам компьютер билан бажариладиган амалларни имконияти мавжуд.

Фирибгарлар томонидан алоқа воситаларининг замонавий турларидан фойдаланиб жиноят содир этилган ҳолатларда қилмишни квалификация қилишда фирибгар томонидан қўлланилган замонавий воситаларни “компьютер техникаси воситаси” сифатида малакашда вужудга келаётган муаммоларни бартараф этиш учун айнан норманинг шу қисмини қайта таҳрирдан ўтказиш лозим.

– ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми санкциясида саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлиб, суд томонидан фирибгарга нисбатан максимал ўн йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин. Шу билан мазкур модданинг 4-қисмида озодликдан маҳрум қилиш билан биргаликда базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима жазоси мавжуд бўлиб, айнан бир қилмишга нисбатан назарда тутилган бу жазо турлари ўзаро номутаносибдир.

Бу борада МДҲ давлатлари жиноят қонунчилигида фирибгарлик жинояти учун белгиланган жазонинг максимал миқдори юқорилигини кўриш мумкин. Жумладан, Украина Жиноят кодексида 12 йилгача, Молдавия Жиноят кодексида 15 йилгача, Озарбайжон Жиноят кодексида 12 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Шунингдек, хорижий давлатларда оғирлаштирувчи ҳолатда фирибгарлик жиноятини содир этилганлиги бўйича модда санкциясида жарима жазоси назарда тутилмаган.

Хусусан, **Қозғистон** Жиноят кодексининг 190-моддаси 4-қисмида фирибгарлик жинояти уюшган гуруҳ томонидан ёки кўп миқдорда содир этганлик учун мол-мулкни мусодара қилиш орқали беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш, муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан умрбод маҳрум қилиш жазоси белгиланган⁵.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси статистик маълумотлари 1-А. лист № 6 – 2020.

⁵ https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&doc_id2=31575252#activate_doc=2&pos=228;-105.28570556640625&pos2=2773;-107.28570556640625

Қирғизистон Жиноят кодексининг 166-моддаси 3 ва 4-қисмларида назарда тутилган фирибгарлик жиноятини уюшган гуруҳ томонидан, кўп миқдорда, муқаддам икки ва ундан ортиқ ўғирлик ёки товламачилик жиноят учун судланган ва хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жинояти учун мол-мулкни мусодара қилиш билан беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган⁶.

Шунга кўра, оғирлаштирувчи ҳолатларда фирибгарлик жинояти содир этганлик учун санкцияда назарда тутилган жазолар турларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

– Фуқароларнинг фирибгарлар таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари йилдан йилга кўпаймоқда. Айрим шахсларнинг фирибгарликни касб этиб олиши, кўплаб инсонларни алданиб қолишга сабаб бўлмоқда.

Фирибгарликка қарши курашда энг аввало, уни олдини олиш ва барвақт аниқлаш масалалари долзарб масалалардан бири саналади.

Маълумот учун: *Ички ишлар вазирлиги ахборот хизматининг маълумотларига кўра, 2020 йилда Ўзбекистонда 10 мингдан ортиқ ҳолатлар қайд этилган, натижада 17 мингдан ортиқ одам алданиш фирибгарлик жинояти қурбонига айланган. Таҳлилларга кўра, барча жабрланганларнинг 58,8% эркаклар ташкил қилган*⁷.

Шунга кўра, фирибгарлик жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри юритилиши фуқароларни фирибгарлик жиноятини ўзига касб қилиб олган шахслардан огоҳ бўлишга ҳамда улар таъсирига тушиб қолишини олдини олади.

– Тараққиёт юксалгани сари фирибгарликнинг янгидан янги турлари ҳам қайд этилмоқда. Ушбу ҳолатларда интернет имкониятларидан фойдаланиб келаётган фойдаланувчилар орасида фирибгарликнинг ўсишига сабаб бўлмоқда.

Интернет тармоқларида фойдаланувчиларнинг пул мағлабларини онлайн казино ва қимор таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилиш орқали интернет-фирибгарлик жиноятлари содир этилмоқда.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш, электрон савдо соҳаларида шу жумладан, интернет орқали авиачипталар, маиший техника ва бошқа маҳсулотларни сотиб олиш жараёнида интернет фирибгарликни содир этиш ҳолатлари кўплаб кузатилмоқда.

Хорижий мамлакатларда хусусан, Россия, Германия ва бошқа давлатлар Жиноят кодексида компьютер маълумотлари соҳасидаги фирибгарлик жавобгарлик назарда тутилган.

Таклифлар:

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда фирибгарлик жинояти содир этилишини олдини олиш ва қарши курашиш борасида қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифлар берилмоқда:

⁶ <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/568>

⁷ Ўзбекистондаги фирибгарлик статистикаси <https://uz.tafsilar.info/proisshestvija/zbekistondagi-firibgarlik-statistikasi/>.

– ЖКнинг 73-моддаси 4-қисми “г” бандини **“фирибгарлик жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга нисбатан қўлланилмайди”** сўзлари билан тўлдириш;

– ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “в” бандини **“ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса”** таҳрирда ўзгартириш;

– ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддатини **“ўн йилдан ўн беш йилгача”** этиб ўзгартириш;

– ЖКнинг 168-моддаси 3 ва 4-қисмларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда фирибгарлик жинояти содир этганлик учун санкциясида назарда тутилган **“жарима”** жазосини чиқариб ташлаш.

– фирибгарлик жиноятни олдини олиш ва унга қарши курашиш чораларни кучайтириш мақсадида ушбу жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг **очиқ электрон реестри юритилишини** йўлга қўйиш ва ушбу реестрга киритилган шахсларга қуйидагиларни таъқиқлаш:

– давлат хизматига қабул қилиниши ва давлат мукофотлари билан тақдирланиши;

– сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимларга номзодларнинг кўрсатилиши;

– уларнинг тадбиркорлиги давлат харидларида ва давлат-хусусий шериклик битимида иштирокчи (ижрочи) сифатида қатнашиши;

– давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар ҳамда давлат таълим муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиши.

– фирибгарлик жиноятни такроран рецидив шаклда содир этилиш имкониятларини чеклаш мақсадида **жавобгарликка тортиш ва судланганлик муддати ўтмаган** бу тоифадаги шахсларнинг **суд томонидан бир қатор ҳуқуқларни чеклаш**. (*хорижга чиқишни вақтинчалик чеклаш, кредит олиш ва кредит бериш ташкилотларида фаолият кўрсатишини чеклаш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларда имтиёзлар тақдим этмаслик, мулкий масалалар бўйича битимлар тузиш миқдорини чеклаш*).

–